



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 12 июнь, чоршанба

№46 (11.434)

Эркин нарҳда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBINI OLIIYLARIGA

Мухтарам Президент жаноблари!
Авалло, Сизни АҚШга бюрган тарихий таширфингиз гоёт муваффақиятли ўтгани билан самимий қутлагга ижозат бергайсиз. Бу таширф, ҳеч шубҳасиз, халқларимиз ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Таширф асосида Сизнинг халқаро террорчиликка қарши курашда АҚШни қўллаб-қувватлаш борасидаги шахсий жасоратингизга берилган юксак баҳо эркин намоён бўлди. Нафақат мамлакатимиз ҳукумати, балки оддий америкаликлар ҳам биз ёрдамга муҳтож бўлган пайтда биринчи бўлиб қўл узатганингиз учун Сиздан миннатдордир.

Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг қабул маросимида сўзлаган сермазун нутқингизда, Сиз АҚШ ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтиришга даъват қилдингиз.

65 мингдан зиёд фирма ва компанияларни бирлаштириб турувчи АҚШ Кичик ва ўрта бизнес уюшмаси Директорлар кенгашининг раиси сифатида Сизнинг мамлакатингиз билан бевосита алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканлигини таъкидлашни истар эдим. Уюшмамиз аъзолари ҳиссасига АҚШ иқтисодиётидаги иш ўринларининг қарийб 60 фоизи тўғри келади, улар қурилиш, қурилиш материаллари тайёрлаш, кишлоқ хўжалиги, тиббиёт, қайта ишлаш соҳалари учун ускуналар ишлаб чиқариш, енгил санаят, электроника каби соҳаларда фаолият юрताди.

Бугун Америка дунёдаги энг катта, энг салмоқли бозор саналади ва ҳар бир мамлакат бу бозорда ўз ўрнига эга бўлишни истади. Биз Ўзбекистон фирмалари ўз маҳсулотини АҚШда сотиш учун улкан имкониятларга эга, деб ҳисоблаймиз. Унчалик катта бўлмаган компанияларимиз ўртасида қўшма ишлаб чиқариш ташкил этилиши, назаримизда, нафақат ўз бозорларимиз, балки бошқа мамлакатлар бозорларига ҳам фойдали тарзда кириб боришимизга ёрдам беради.

Мақтубимнинг мазмуни, жаноб Президент, умумий мақсадларга эришиш учун АҚШ Кичик ва ўрта бизнес уюшмаси билан Сизнинг мамлакатингиздаги тегишли тузилмалар ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Биз бир неча йил давомида ўзбекистонлик шериклар билан зарур ишларни амалга ошириб келмоқдамиз ва улар Уюшмамизнинг АҚШдаги молиявий тузилмалар, федерал органлар ва ишбилармон доиралардаги имкониятларидан фойдаланиши учун шарт-шароит яратиб беришга тайёрмиз.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Сиздан, жаноб Президент, ёрдамчиларингизга амалий ҳамкорлигимиз имкониятлари ва йўлларини диққат билан ўрган киқизи топиришингизни яна бир

бор сўрамоқчиман.
Ўз навбатида, биз исталган пайтда Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бошлашга тайёрмиз.

Президент жаноблари!
80 йилдан ортиқ вақт мобайнида қурилиш ва йўлсозлик-таъмирлаш техникаси бозорига ишлаб келаётган "Хоффман Интернешнл" корпорацияси президенти сифатида Сизнинг мамлакатингиздаги инфратузилмавий ва бошқа лойиҳаларда катнашишимиз учун катта имкониятлар бор, деб ҳам ўйлайман.

АҚШ томонидан қурилиш техникаси етказиб беришни молиялаш шартлари бўйича дастлабки тақлифлар ишлаб чиқилган. Бу техниканинг умумий қиймати, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, қўли билан 40 миллион АҚШ долларини ташкил этиши мумкин.

Жумладан, шартнома қийматининг 85 фоизига тенг миқдордаги маблағ АҚШ Эксимбанкнинг бевосита қўллаб-қувватлаши (қарз ё қаролат шаклида) баробарида Либор плюс тартибидagi йилга 0,13 фоизлик икки йиллик имтиёзли давр билан 7 йиллик муддатга берилиши мумкин.

15 фоизли аванс тўлови хорижий тижорат банклрининг Либор плюс ставкаси шарти билан 3,5 йиллик муддатда бериладиган кредитлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Шу вақтга қадар АҚШ банклари аванс тўловининг муддатини 3,5 йилгача узайтириш амалиётини қўлламаган эди. Биринчи бор, фақат Ўзбекистондаги мазкур лойиҳа учунгина қондан чекиниш қилинди. Бундан ташқари, Эксимбандаги урчушда ушбу тақлиф якуний эмаслиги ва ҳали муҳокама қилиниши таъкидлаб ўтилди.


Юқоридаги масалаларни биргаликда муҳокама этиш ва атрофлича таҳлил қилишга, зарур бўлса, Сизнинг тақлифингизга биноан Ўзбекистонга боришга ҳам тайёрмиз.

Президент жаноблари!
Баён этилган тақлифлар дастлабки қадамлар, ҳолос. Аминманки, мамлакатларимиз миллий иқтисодиёти ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Сиз билан шахсан учрашганимда мақсад ва имкониятларимизни батафсилроқ баён эта оламиз, деган умиддаман.

Жаноб Президент, ўзбек халқининг ёрқин тинсолига айланган Сиздек йўлбошчига қучур ва самимий эҳтиромимни изорқ этиш, янги-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,
Жозеф Уоттерс,
АҚШ Кичик ва ўрта бизнес уюшмаси Директорлар кенгашининг раиси, "Хоффман Интернешнл" корпорацияси президенти.



ни юмшатишга ҳаракат қилинди. Бу борада хўжалик мутахассислари, бош пудратчилар ҳамда тажрибали пахтакорлар ҳар бир тадбирни бамааслаҳат, вақтида амалга ошириб бордилар. Айниқса, Мирзатолиб Содиқов бош бўлган оилавий пудратчиларнинг 95 гектар майдондаги гўзалари яхши ривожланмоқда. Олди далаларда гўза шоналай бошлади. Чунки, мавжуд культиваторлардан унумли фойдаланиб, гўзани яйратиш пайида бўляптилар.

ГЎЗА ШОНАЛАДИ

Бу йилги мавсумда вилоятимиз пахтакорларига осон бўлмаяпти. Бемавруд ёғинлар айрим майдонлардаги чигитни қайта экишга мажбур этди. Кучли ёғир таъсири энди униб чиққан ёш ниҳолларнинг ҳам ҳаво ва қуёш ҳароратидан баҳраманд бўлишига ҳалал берди.

Бундай вазиятни тўғри баҳолай олган ва энг маънавий туманидаги Мирзо Улуғбек номли ширкат оширишга зудлик билан киришилган хўжаликлардан сўнг, ер бир оз этилиши билан қатор оралари



СУРАТЛАРДА: бош ҳосилот Тургунли Далабоев бош пудратчи Мирзатолиб Содиқов билан навбатдаги аэротехник тадбир хусусида маслаҳатлашмоқда; экин қатор орасини юмшатиш пайти. Еркибой БОТИРОВ олган суратлар.

Байрамга совға бўлади

Оққўрғон туманида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва қўлайликлар яратиш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда туман ҳокимлиги ва "Оққўрғон деҳқон бозори" акционерлик жамияти жамоаси ташаббуси билан янги тижорат бозори қурилиши бошланди.

— Мавжуд бозоримиз бугунги кун талабларига умуман жавоб бермай қолганди, — дейди жамият раиси С.Назаров. — Деҳқон бозори ва буюм бозори бир турли тартибсизликлар юзуга кела бошлади. Деҳқон ўзи етиштирган маҳсулотни бозордан ташқарида сотишга мажбур бўлаётган эди. Шу мақсадда туман марказига яқин жойдан бир гектардан зиёд эрқ олдик. Тадбиркорларнинг туман бўлими 35 миллион сўмлик кредит ажратди. Шу кунга қадар 10 миллион сўмлик иш бажарилди.

Мазкур янги тижорат бозори ишга туширилса, 40 дан зиёд ошқона ва чойхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо нуқталар пайдо бўлади. Энг асосийси, 20 дан ортиқ иш ўрни очилади. Беш йиллик муддатга берилган кредитдан оқилна фойдаланиб, бир йилда 3 миллион, беш йилда 15 миллиондан ортиқ соф фойда қўришни мўлжаллаямиз.

Бозор қурилишини мамлакатимиз мустақиллигини 11 йиллик байрамимизга тугаллаб, уни тумандошларимизга совға қилиш ниятидамиз.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА муҳбири.

АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси «Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга вилоят Кенгаши депутатлари сайловини тайинлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, «Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига мувофиқ Кибрай туманидаги 31- Байтқўрғон, Оққўрғон туманидаги 35- Оққўрғон, Оҳангарон туманидаги 36- Озодлик, Чиноз туманидаги 49-Олмазор сайлов округларида бўшаб қолган депутатлари сайловини 2002 йилнинг 7 июль — яқшанба кунини ўтказиш тайинланди.

«ТОШКЕНТ ОПЕН» — ТАЖРИБА МАКТАБИ

Тошкентдаги «Динамо» теннис кортида аёллар ўртасида анъанавий «Тошкент опен» халқаро турнири тантанали очилди

Ўзбекистонлик муҳлислар ҳар йили оризқиб кутадиган энг нафис спорт тури мусобақаларини Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов очди. У аёлларнинг «Тошкент опен» халқаро турнири Ўзбекистоннинг қисқа давр ичида теннис оммавий ривожланган давлатлар қаторидан нуносиб ўрин эгаллашини таъминлаганлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам етти йилдан бери Тошкентда ўтказиб келинаётган ушбу халқаро турнир мамлакатимизда нафақат аёллар ўртасида балки, умуман катта тенниснинг республикамизда ишлаш ўртасида жадал ривожланиши йўлида катта таъриба мактаби вазифасини ўтамоқда.

Бундан ташқари халқаро турнирининг ҳам йилдан-йилга мавқе ва нуфузи ортиб, эндиликда WTA Тоиг таснифидан ўзига нуносиб ўрин эгаллади.

Дарвоқе, бугунги кунда Ўзбекистонни теннис олимпиаданинг ҳамкорлиги

Мустақил ривожланишнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда бир қондага амал тоши қўйилди: «Ўзбекистон очик эшиклар дёбири. Биз ўзимиз учун ҳам дунёни кашф этамиз».

Бу сўзларнинг мазмун-моҳияти республикамизнинг тинчликсевар ички ва ташқи сийсатини, унинг дунёдаги барча давлатлар билан самарали ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка қизин интилишини ифода қилади. Шу қондага амал қилиб, бугун Ўзбекистон қурраи заминнинг барча ривожланган давлатлари билан амалий алоқаларни олиб бормоқда.

Ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашда Европа Иттифоқи (ЕИ) Ўзбекистон учун алоҳида ўрин тутади. Томонлар ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиш суръатлари ва мустаҳкамланиб бориш даражаси хусусида уларнинг кейинги йиллардаги сийсий ва иқтисодий ҳамкорлик ишларига қараб мулоҳаза қилиш мумкин. 1996 йилнинг 21 июнида Флоренцияда ЕИ аъзолари бўлган давлатларнинг вакиллари, Европа Комиссияси раҳбари ва Ўзбекистон Президенти Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битим (ШХБ)ни имзолашди. Бу ҳужжат 1999 йил 1 июндан қучга кирди ва шу вақтдан буюн Еврокомиссия ва аъзо давлатларнинг ҳар бири Битимда бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда иштирок этмоқда. Утган муддатда шу Битимни рўёбга чиқариш борасидаги тайёргарлик ишлари доирасида Ўзбекистон — ЕИ Ҳамкорлик кенгашининг икки мажлиси (Брюссел ва Тошкентда) ўтди. Айни пайтда Ўзбекистон — ЕИ Ҳамкорлик қўмитаси, Ўзбекистон — ЕИ Парла-

Mustaqillikning 1 yilligiga

мент ҳамкорлиги қўмитаси, Ўзбекистон — ЕИнинг иқтисодий масалалар бўйича ҳамкорлик кичик қўмитасининг биттадан мажлиси бўлди.

Шу йилнинг бошидан Тошкентда Шерикчилик ва Ҳамкорлик Битимини амалга оширишга қўмаклашиш (ШХБ) лойиҳасини рўёбга чиқариш бошланди. Шу муносабат билан пойтахтимизга Европа гурӯҳи етиб келди. Уни жаноб Адриан А. Стрейн бошқармоқда.

— Аввалло шунини таъкидлашни истардимки, бу Битим Ўзбекистон ва ЕИнинг алоқаларини мустаҳкамлашга ўзаро интилишлари, улар учун қимматли бўлган кадрларнинг умумийлигига асосланади, — дейди гурӯҳ раҳбари жаноб Стрейн. — Битим Ўзбекистон мустақиллиги ва суверенитетини қўллаб-қувватлаш, томонлар ўртасидаги сийсий мулоқотларни амалга ошириш учун мавжуд асосларни кенгайтириш, савдонини ривожлантириш, инвестицияларни амалга ошириш, Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги иқтисодий муноса-

батларни уйғунлаштиришга қўмаклашиш сингари йўналишларни қамраб олади. Шерикчилик ва Ҳамкорлик Битимининг асосий мақсадлари Ўзбекистонда демократик ўзгартиришларни мустаҳкамлаш, унинг иқтисодиётини ривожлантириш, мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни якунланишига қўмаклашиш, қонуношуслик, иқтисодий, ижтимоий, молиявий, фуқаролик, илмий-технологик ва маданий соҳаларда ҳамкорлик учун асослар яратишдан иборат.

ШХБ Ўзбекистон ва Европа Иттифоқининг демократия ва бозор иқтисодиёти тамойилларига риоя этишга содиқлигини ифода қилади, бу ўзаро сийсий, савдо ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграция йўлидан янада илдамлаб боришга хизмат қилади. Битим Ўзбекистон ва Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатларнинг очик ҳаёт тизимига янада узвий интеграциялашуви учун зарур шарт-шароитлар яратади. Айни пайтда бу Ўзбекистоннинг қўшни мамлакат-

лар билан ҳамкорлик жараёнига, минтақада фаровонлик ва барқарорлиқни таъминлашга қўмаклашади.

Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни амалга оширишга қўмаклашиш лойиҳасининг асосий мақсади қонуний тартибда, савдо сийсати ва маъмурий амалиётини Битимда қўзда тутилган Европа мейёрларига яқинлаштиришдан иборат. Кенг қўламли ислохотлар жараёни, ШХБда назарда тутилганидек, фуқаролик жамиятини янада кўпроқ қўллаб-қувватлаш мақсадида лойиҳа ноҳукумат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг иштирокини рағбатлантиришга йўналтирилган тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

Лойиҳа уч асосий жиҳатни назарда тутади. Европа ҳуқуқий мейёрларига яқинлашишга қўмақ — биринчи жиҳат. Умуман ҳолда савдо ташкилотлари талабларига муносабат савдо сийсатини янада кўпроқ қўллаб-қувватлаш мақсадида лойиҳа ноҳукумат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг иштирокини рағбатлантиришга йўналтирилган тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

Шундай қилиб, бу Битим Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги сийсий мулоқот пухталигини таъминлайди. Бу ўзаро фойдали ҳамкорлик соҳаларини кенгайтириб, иқтисодий ўзгартиришлар жараёнига қўмаклашади, келажакда буюк Ўзбекистонимизнинг барқарор ривожига ишончли йўл очади.

Жўра САДУЛЛАЕВ.

Сиёсий суҳбатлар

XXI аср бошида ҳар бир давлат ўзи учун янги режаларни аниқлаб, ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқди. Сир эмаски, бу масала, айниқса, ёш мустақил давлатлар учун муҳимдир. Чунки, уларнинг барқарор ривожланиш йўлига чиқиши билан боғлиқ муаммолар, жамиятнинг барқарорлашуви ва хавфсизлиги муаммолари ҳамон долзарб бўлиб турибди.

Инсоният ҳақиқатан ҳам миллатларнинг интеграл ҳамжамиятига айланган ҳозирги пайтда дунёнинг бир минтақасидаги нотинчлик бошқасидаги беқарорликка сабаб бўлмоқда. Бинобарин, ҳозирги кунда давлат барқарорлиги ва хавфсизлиги, халқаро минтақавий барқарорликка таъсир этувчи таҳдидлар тизими ҳаракатининг, уни вужудга келтирувчи қушларнинг чуқур таҳлили зарур.

Миллий хавфсизлик, барқарорлик ва жамият ривожининг муаммолари орасидаги боғлиқлик, уларнинг давлат миқёсидаги аҳамияти шубҳасиздир. Шунинг учун жамият хавфсизлигининг ўзига хос бир амалий фалсафаси керак. Жаҳон ҳамжамиятидаги янги ўзгаришларнинг турли минтақалардаги сиёсий ҳолатга таъсири, жамият хавфсизлигига хизмат қилувчи ижтимоий-маданий омилларнинг ўрни, миллий давлатчилик ҳамда хавфсизлик асосларини мустаҳкамлашда жамиятнинг сиёсий ҳушёрлигини доимий ошириб бориш каби масалалар ҳамон долзарб.

Мустақил Ўзбекистон аллақачон XXI асрдаги тараққиёт йўлини аниқлаб олган. Мамлакатимиз ривожланган иқтисодга асосланган замонавий демократик жамият қуриш дунё ҳамжамиятига интеграцияни талаб қилишига тўла аминдир. Аммо, Ўзбекистон кўр-кўрона ривожланган давлатлар ортидан бормоқчи эмас. У мустақиллик йилларида синовдан ўтган ривожланиш моделига солиқ қолмоқда. Шу йўлда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг ишончли омили сифатида минтақавий барқарорлик ва ҳамкорликни аниқ тасаввур этмоқда.

Марказий Осиё давлатларининг мустақиллигини қўллаб қўллашчи ва мустаҳкамлашчи уларнинг дунёдаги геосиёсий ҳолатини тубдан ўзгартириб юборди. Ҳозирда бу минтақа дунёда ўзига хос ўринга эга бўлган янги ҳудудий иттифоққа айланмоқда. Шу маънода муста-

қил давлатларнинг ўзини ўзи намоён қилиш йўлидаги муваффақиятлари ошган сари Марказий Осиёнинг замонавий геосиёсий «архитектура»даги ўрни юксалиб боради.

Шу ўринда тарихга бир назар солиш фойдалан ҳоли эмас. Мазлумки, эраимиздан олдинги VIII

ўзгарди. Бу ҳудуднинг давлатларини жаҳон ҳамжамияти тан олди, улар БМТ, ЕҲҲТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг аъзолари бўлишди. Бирок, дунё амалиёти шунини кўрсатмоқдаки, барқарор мустақилликка эришганларидан сўнг ички ҳамда ташқи муаммоларни ечиш йўллари топа олмаганликлари туфайли ривожлана олмаган эдилар. Кўп жиҳатдан жамиятдаги реал ҳолат мустақил давлатнинг ривожланиш стратегияси билан мутаносиб тушмаганлиги туфай-

зарур бўлган барқарорликни тегиз равишда эҳтижидан келиб чиқди.

Глобализм фақат ютуқларни эмас, балки янги муаммоларни ҳам келтириб чиқаришини ёдда тутиш зарур. Ҳозирги замон ахборот тизими ва технологиялар янги давлатларга ўзининг фойдали меваларини муҳайё қилиши билан бир қаторда, экстремистик гояларнинг ёйилиши учун ҳам имконият яратиб бермоқда. Диний экстремизмнинг тарқалиши, унинг сиёсийлашуви янги мустақил давлатлар шаклланиши даврига тўғри келганлигини ҳам унутмаслик зарур.

Ўтиш даврининг қийинчиликлари енгиланган бир пайтда экстремистик гоялар тарқалиши хавфининг олдини олиш минтақа халқларининг маданий ҳаётларида кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу жиҳатдан Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси фаолият юргатаётганлиги катта умид уйғотади.

Қолаверса, Марказий Осиё ҳудуди қадим ўтмишдан ҳозирга қадар турли динлар, маданиятлар учрашган макон бўлиб қолмоқда. Миллатлараро, динлараро тотувлик ва очкилик бу ерда яшаб қолиши ва тараққиёт топиши табиий. Демак, Осиё халқлари маданиятининг бошқа халқларга очкилиги минтақанинг ривожланишига ҳам хизмат қилиши табиий.

Ҳар бир янги давр ўзининг янги муаммоларига эга. Жамият уларни ечишга тайёр бўлиши керак. Ўтмишдан сабоқ олиб, янги давр талабларига чуқур ўйланган миллий стратегия билан жавоб бера оладиган жамиятга ўзининг хавфсиз келажагини, барқарор тараққиётини таъминлай олади.

Зеро, жамият фақат демократияни кенгайтириш ва чуқурлаштириш шароитидагина барқарорликни тўла ҳис эга олади. Демократия ва хавфсизлик, фуқароларнинг уларни таъминлашдаги фаол иштироки — жамият ривожининг асосий омили бўлиб қолаётганлиги тобора теран аниқлаб бормоқдамиз.

Искандар ҚОДИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ ВА ТАРАҚҚИЁТ

асрдан бошлаб то ўрта асрларга қадар Марказий Осиё муҳим геостратегик ўрин тутган. Кўп асрлар давомида ушбу ҳудуд Осиё — Тинч океани ҳамда Жанубий Осиё давлатлари — Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва бошқалар билан яқин ҳамкорликда Ғарб билан Шарқни Буюк ипак йўли орқали боғловчи бўлиб келди. Бу ҳудуд турли маданиятлар — турк, эрон, грек, хитой, ҳинд, араб, славян, ҳозир эса, ғарб маданиятларининг бошини қовуштира олди. Натижада ўзига хос Марказий Осиё маданияти вужудга келди. Ўзаро келишмовчиликлар, бу ҳудуднинг Россия томонидан босиб олинishi кейинчалик уни дунё жараёнларида иштирок этишдан четлаштириб юборди.

Албатта, мустақиллик йилларида Марказий Осиё ниҳоятда

ли тараққиёт қийинлашди. Албатта, бу тажриба ўз вақтида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари томонидан ўрганилди. Ҳозирга келиб, айтиш мумкинки, минтақанинг деярли барча давлатлари бу тўсиқдан ўтишди. Бунга яқиндагина фуқаролар урушидан кейин тинчликка эришган Тожикистон ҳам кирди. Бу ўз навбатида ушбу минтақадagi давлатларда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўта тез, «саросимали» шаклидан воз кечилганлиги га ҳам боғлиқ.

Мустақиллигини мустаҳкамлаш осон кечмади, албатта. Зеро, барқарор ривожланишнинг йўллари излаб топиш катта машаққатлар билан туташ.

Президент Ислам Каримов олға сурган «глобализмга — регионализм орқали» гояси Марказий Осиё давлатларига ҳаводек

Кичик ва ўрта бизнес – иқтисодийтимиз келажаги

ХОМ АШЁ ЎЗЛАРИДАН

Дастлаб чиннига гул босишга ихтисослашган мўъжазгина цех билан иш бошлаган «Фарҳод» хусусий корхонаси бугунга келиб, Пскент туманидаги кичик бизнесни ривожлантиришга мумкин ҳисса қўшаётган кўп тармоқли тузилмага айланди.

Бу ерда қандолатчилик, нон ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилиб, чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Айни кунларда 7-8 хил чинни буюмлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Бир пайтлар 25 киши иш бошлаган корхонада ҳозир 40 нафардан зиёд одам ишляпти.

– Ўтган йили 3,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик, – дейди корхона раҳбари Муҳим Пўлатов. – Бундан бунёнги

натижалар янада юқори бўлиши кутиляпти. Биргина жорий йилнинг дастлабки чорагида буюртмачиларга 3 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот етказиб бердик. Олиёнаёт даромаднинг асосий қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уни замонавий технология билан жиҳозлашга сарфляпмиз. Бусиз ривожланиши тасаввур этиш қийин. Чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда қўшма корхона барпо этишни режалаштирганимиз.

Кейинги пайтларда корхона маҳсулотларини Физика-

куёш материалшунослик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, шифохоналар, халқ таълими бўлимлари ҳам харид қилишмоқда.

Чинни буюмлар тайёрлаш учун ишлатилган ҳамашёнинг фақат 50 фоизинигина Россиядан оляпмиз. Ангрэн керамика заводи ишга тушгач, мушкуллимиз осонлашди. Ҳомашёнинг ярмини у етказиб бермоқда. Биз келгусида фақат шу корхонанинг мижози бўлиб қоламиз. Бу қадамимиз ишлаб чиқаришни тўла маҳаллийлаштиришга олиб келади. Оқибатда маҳсулотлар янада арзонлашади.

Акбар АЛЛАМУРОВОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

БИЗНЕС ЎЗИГА ЙЎЛ ОЧМОҚДА

Куйичирчиқ тумани иқтисодий-тида хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес тузилмалари мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Мазкур тузилмалар ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми санаотда 23,4, қишлоқ ҳўжалигида 79,4, қурилишда 63,1, савдо ва умумий овқатла-нишда 34,3 ҳамда пуллик хизматда 65,2

фоизни ташкил этаяпти. Бу ўтган йил шу даврига нисбатан 140 фоиз кўп демакдир.

Энг муҳими бундай субъектлар ҳисобига янги иш ўринлари ҳам кўпаймоқда. Хусусан, ҳозиргача 360 та янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, йил охирига бориб уларнинг сони 600дан ортиши кутиляпти.

А. МУРОДОВ.

АҲОЛИГА УН, ЧОРВАГА ЕМ

«Бекобод» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти омухта ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёрларик кўрмоқда.

Бекобод туманидаги 314 нафар дехқон-фермер, шахсий чорва молларига эга бўлган минглаб оилалар, қўшни шаҳар ва туманларда чорвачилик билан машғул бўлган аҳолининг кўпчилиги бу маҳсулотни бажонидил харид қилади, албатта. Корхонада яна бир хайрли ишга қўл урилмоқда.

Яқинда бу ерда биринчи навли «Ўзбекистон» уни ишлаб чиқаришга киришляди. Натижада ўн нафар ёшлар янги иш ўринлари билан таъминланади. Ҳар ой бу ерда 1500 тонна сифатли ун, 1000 тоннадан зиёд омухта ем тайёрланиши режалаштирилмоқда.

Турсунали УСМОНОВ.

Май ойининг охирида Пекинда ўтказилган Осиё ва Тинч Океанининг тараққиёт молия институтлари (АФИРАТО) Ассоциацияси Бош ассамблеясида ҳамда 25-конференциясида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «Технологиялар тараққиёти» номинациясида ўн илгари сурган «Микозларга масофавий электрон хизмат кўрсатиш» (банк-мижоз) деб номланган маҳсулот учун голий деб топилди.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ АФИРАТО МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ

ЎзАнинг Ўзбекистон Миллий банки матбуот марказидан олган хабарига қура, банк 2000 йилда «банк-мижоз» тизимини тадқиқ қилишга киришган эди. Ушбу тизим web-технологияларга асосланган бўлиб, Интернет тармоғида кенг қўлланиладиган ўзига хос тизимдир. Вугунги кунда Миллий банкнинг республикамизнинг туққизта вилоятидаги 18 та бўлими масофали банк хизматини тақдиф этади, бу тизим хизматларидан 100 дан ортиқ мижоз фойдаланмоқда.

АФИРАТО 1976 йилда Осиё тараққиёт банки шэфелигида ташкил этилган бўлиб, банклар ва бошқа тараққиёт институтларининг минтақавий ташкилоти ҳисобланади. Осиё тараққиёт банксининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигини АФИРАТО ва Миллий банкнинг уч йиллик ҳамкорлиги ҳам тасдиқлаб турибди Ўзбекистон Миллий банки АФИРАТОнинг доимий аъзоси бўлиб, Уюшма Директорлар Кенгашининг аъзосидир.

У.А.

Ҳиссдорлик жамиятларида

«БОЛАЛАР ТАОМЛАРИ» ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРГИР

Юртимиз бор-роғларида етиштирилаётган турли-туман нозу неъматлар тотли мазаси ва хуш таъми билан ҳамто узок ўлкаларда ҳам машҳурлиги ҳеч кимга сир эмас.



Лекин, бу хил маҳсулотларни ҳар олим ҳам асл ҳолида олис манзилларга етказиб беришнинг имкони булавермайди. Шунинг учун улар истеъмолчиларга қайта ишланиб жунатилади. Мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналарнинг бири — Янгийул шахридаги Усмон Юсупов номли очик акционерлик жамияти утган йили режадаги 3700 тонна урнига 4007 тонна ёки 772 миллион сўмлик маҳсулотни буюртмачиларга етказиб берди.


— Бу йил янада кўпроқ маҳсулотни қайта ишлашга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди корхона режа ва иқтисод бўлими бошлиғи Қ. Хусанов. — Ҳозиргача 60 хилдан ортиқ жами 213 тонна консерва маҳсулотлари тайёрладик.

Корхона жамоаси хоржий сармоядорлар кўмағида янги кичик ишлаб чиқариш цехларини ишга туширмоқда. Бундай ҳамкорлар оз эмас. Масалан, 2000 йилда АҚШнинг «Тексуна» корпорация-

си томонидан 18,5 миллион доллар маблағ ажратилиб, бу ерда «Болалар таомлари» цехи иш бошлаган эди. Ҳозир мазкур цехда тайёрланаётган, дармондориларга бой 11 хилдаги ноз-неъматлар кичикинтойларга манзур бўлмоқда. Экологик жиҳатдан тоза бу маҳсулотларни катта ёндағилар ҳам севиб тановул қилишмоқда. 125 граммлик пластик идишлардаги бу егуликлардан бу йил 80 миллион донга тайёрлаш кузда тутилган.

Корхона белгиси босилган шундай маза-ли маҳсулотлар асосан МДҲ мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Айни пайтда корхонанинг Россияда ўз савдо уйи ишлаб турибди. Жамоа ўз ишлаб чиқариш қўламини янада ошириш, маҳсулот турини кўпайтириш мақсадида жиддий изланишлар олиб бормоқда.

Акбар АЛЛАМУРОВОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.



ВИЛОЯТИМИЗНИНГ ЭНГ КАТТА ҚУРИЛИШИ

Чимён-Чорвоқ дам олиш минтақасига барпо этиляпти

Бўстонлик ўзининг гузал табиати билан кимларни мафтун этмаган дейсиз! Бу сўлим воҳа кўйида бир марта бўлган, тоза ҳавосидан тўйиб нафас олган, зилло булоқларини чашмалари сувидан ҳўплаган ҳар бир кишида унинг гузаллиги, хузурбахшлиги ҳақида илқ хотира қолади. Шунинг учун у чинакам хордик минтақасига айланган, йилнинг тўрт фаслида ҳам дам олувчилар билан гавжум, файзли бўлади. Афсуски шу вақтгача бу

ерга ором истаб келувчиларга мўлжаллаб қурилган иншоотларнинг аксарият кўпчилиги қаровсиз ахволга тушиб қолган эди. Ташвишли бу манзарани бартараф этиш ва минтақани ҳақиқий замонавий дам олиш ҳудудига айлантириш учун республика Вазирилар Маҳкамасининг маҳсуслор қилари чикарилди. Унга мувофиқ минглаб ўзбекистонликлар учун дам олиш ва саломатлигини мустаҳкамлаш масканига айлантириш бўйича кенг қамровли чора тад-

Қишин-ёзин хизматда бўлади

япти. Бу ерда қўлни қўлга бериб меҳнат қилаётган қурувчилар уч минг кишига яқинлашиб қолди. Улар пансионатлар бинолари, қатор тозалаш, ичимлик суви, йўллар ва бошқа шу каби муҳандислик тармоқларини барпо этишмоқда.

Вилоятимиздаги энг катта бу қурилишда ишлаётган бинокорлик ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун «Чотқол» акциядорлик компанияси тузилди. Биринчи навбатда ишга тушириладиган мажмуа иншоотлари Чорвоқ сув омборининг жанубий қирғоғида барпо этилади. У аввало меҳнаткашларнинг ёзги дам олишини таъминлашга мўлжалланган. Иккинчи навбатдаги эса,

ўша вақтда тузилган лойиҳалари улар иштирокида қайта қуриб чиқилиб, даврининг юксак талабларига жавоб берадиган ҳолга келтирилди.

Шунингдек, Навоий конметаллургия комбинати ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳам шундай мажмуаларни бунёд этаяпти. Дам олиш масканлари йил бўйи ишлашга мослаштирилмоқда. Улар иситилади ва қилиб-қировли мавсумда ҳам малол хордик чиқариш, саломатлигини мустаҳкамлаш мумкин бўлади.

СУРАТЛАРДА: дам олиш минтақаси иншоотларини барпо этишда фаол қатнашаётган «Ўзбекэкоэнерго»

ТИББИЁТДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Саломатлик ва ҳаёт саклаш вазирлигининг Ш. Алимов номидаги Фтизиатри ва пульмонология илмий-тадқиқот институтида ушбу даргоҳнинг илмий муваффақиятларига бағишланган республика анжумани бўлиб ўтди.

Институт клиникасида беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш ишлари амалга ошириладиган 11 та бўлим фаолият кўрсатади. Бу ерда тадқиқотларнинг биокимёвий, бактериологик, иммунологик, радионуклид ва бошқа турларидан фойдаланилади. Шунингдек, бу ерда консер-

ватив терапия ва сил касаллигини даволашнинг жарроҳлик усули ҳам қўлланилиб, уларнинг кўпчилиги илк буюдан клиникада ишлаб чиқилган. Институт ихтисослаштирилган тиббиёт илмий кадрларини тайёрлаш базасига айланди. Кейинги йилларда илмий тиббиёт журналлари-

да юзлаб ишлар, мақолалар чоп этилди, ихтиро учун 35 та муаллифлик гувоҳномаси ва патентлар олинди. Анжуман давомида «Пулмонологлар мактаби» ва «DOTS мактаби» ишлаб турди. Бу ерда тингловчилар республикамиз фтизиатрлари ва уларнинг хоржий ҳамкасб-

ларининг энг сўнги илмий ютуқлари билан танишиш имконига эга бўлди. Анжуман якунида улар аҳолига маҳсуслор ёрдам кўрсатишининг долзарб муаммоларни кўриб чиқилган давра суҳбатларида ҳам иштирок этиди.

А. ИВАНОВА, ЎЗА муҳбири.

Асосий қонуниимизни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ



52-модда
Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг Ватанни ҳимоя қилиш бурчи тўғрисида бир қатор қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунда белгилаб қўйилганидек, мамлакатнинг худудий ахиллигини, мустақиллигини ҳимоя қилиш республика фуқароларининг конституциявий бурчи бўлиб ҳисобланади. Бошқа давлатларнинг Ўзбекистонда доимий яшаб турган ёки вақтинча яшаб турган фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида ҳарбий хизматга тайёргарлик кўришга мажбур эмас.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, мамлакатни мудофаа қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, у мамлакат худудидида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг вазифасидир. Шунингдек, ташқаридан бўладиган қуроли таъжовулардан ҳимоя қилиш фуқароларнинг конституциявий бурчидир.

Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизматни ўташ ҳарбий тайёргарлик ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасини қуроли ҳимоя қилишлари орқали амалга оширилади. Тинчлик пайтида эркаклар, башарти уларнинг саломатлиги ҳарбий хизматга яроқли бўлса ва қақрув кунига 18 ёшга тулган бўлсалар, муддатли ҳарбий хизматга қақрилади.

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга қақриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг қарори асосида йилга икки марта, яъни май-июнь ва ноябрь-декабрь ойларидида ўтказилади. Республика ҳуқуматининг қарори қақриқ бошланишидан қақмида бир ой аввал оммавий ақборот воситаларида эълон қилинади.

Тинчлик пайтида қуйидаги фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга қақрилмайдилар:

- 1) қақрувдан кеқиқтиришга эга бўлганлар;
- 2) муддатли ҳарбий хизматга қақришдан озод қилинганлар;
- 3) ўтказилаётган дастлабки суриштирув ва терговга дақрдор бўлган шахслар ёки жиноий ишга алоқадор бўлган шахслар иши то судда узил-кесил кўрилиб, айблов ёки оқлов ҳуқми қақрилуғига қақдар.

Ўзбекистон Республикасининг «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонуни 1-моддасида шундай деб эътироф этилган: «Муқобил хизмат — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўтайдиган давлат хизматининг алоқидида туридир. Бу хизмат фуқаронинг қорқонлардаги, муассасалардаги, халқ ҳўжалиги ташқилотларидаги, юқори малақа талаб этилмайдиган (ёрдамчи) ишларни ёки ўз малақасига мос ишларни, шу жумладан, фалокат, фожиа, табиий офат ва бошқа фавқуллода ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этишга оид ишларни бақариши билан боғлиқдир.

Муқобил хизмат фуқароларни ҳарбий ишга ўргатишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кўчлари учун зақирадаги жаңгичларни тайёрлашни кўзда тутуди.

18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, ҳарбий ҳисобда турадиган, муддатли ҳарбий хизматга қақрилиши лозим бўлган фуқаролар муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эгадирлар, башарти улар:

- хизматга қақрилаётган шахсдан ташқари 16 ёшга тулмаган 4 ва ундан ортиқ боқали оиладан бўлсалар;
- ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-онаси ёки ақа-ақа (опа-сингил)лари бўлса;
- диний таълимоти қуроли ишлатишга ва Қуроли Кўчларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган рўйхатдан ўтган диний ташқилотларнинг азёси бўлсалар.

Қонун муқобил хизмат муддатини - 24 ой, олий маълумотли шахслар учун эса - 18 ой деб белгилаб қўйган.

Эрғаш САЙТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари,
3-даражали адлия маслаҳатчиси.

Вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ҳақмида унинг шаҳар ва туманлардаги бўлимлари экологлар сафидида узоқ йиллар самарали ишлаган меҳнат фақрийларига мунтазам гақмуҳўрлик қилмоқда.

ФАҚРИЙЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА



Қарияларни қақдарлаш йил муносабати билан яқинда вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитасида ўтказилган тантанали йиғилишда фақрийларнинг бир гуруҳига эсдалик совғалари топширилди. Н. Маликов, М. Мирҳидоят ва Д. Алимбоевлар бундай гақмуҳўрлик учун ҳақмида ва маълумиятга миннатдорчилик билдирдилар. **Ўз муқбиримиз.**

Мактубларингизни ўқиб

МУКОФОТГА КАТТА КОНЦЕРТ

Ангрндаги 9-қон жамоаси жорий йилда бақрақали ишлаб, ойллик кўмир қақзиб қаққариш режаларини мунтазил ошириб бақармоқда. Қорқона маълумияти ва қақсаба уюшмалари кўмитаси бундай меҳнат ютуқларига салмоқли улш қўшаётган ишчи-хизматчи-ларни рағбатлантиришнинг турли шаклларидан фойдаланмоқда. Улар мақсус автотобусларда республикамиздаги қақдамжоларга, маданият муассасаларидаги томошаларга таширф буюришапти. Яқинда 80 нафар илгор ишчилардан иборат икки гуруҳ Тошкентдаги катта концертларни томоша қилиб қақтди. **Ҳамид СОБИРОВ.**

МУАЛЛИФ БЎЛИШ ОСОН ЭМАС...

Кўп йиллардан буйн ёшларга математика фанидан сабоқ бериб келаётган, ўз қасбининг фидойиси бўлган бир ажайиб инсон бор. У ўз соқасини муқаммал билиш билан бирга ижод билан ҳам мунтазам шуғулланади. Унинг матбуотда эълон қилинган лавақа, очерк, масал ва турли мавзудаги мақоаларини ўқиган одам маза қилади, ўзига нимадир олади.

У киши билан қаерда учрашмайлик салом-алиқдан сўнг биринчи саволимиз шундай бўлади: — Домла, биз учун ҳам бирон нимангиз борми? — Сизларбор бир мақола бошлаб қўйдим, — жилмайиб жаваб беради суқбатдошимиз. — Фақат андақ сабр қиласиз, охиригача пишиқ-пухта бўлсин. Бу суқбат уч-тўрт кунгача ёдимиздан кўтарилади. Кўтилмаганда домла тақририятимизга таширф буюради ва папкасида кўлёмзани олиб: — Мана, олиб келдим, — дейди, — кўрарсизлар. Агар маъқул бўлса...

Хуллас муаллифингиз янги ёзилган мақолисида янги гап, янги фикр борлигини кўриб, содда ва равон жумаларни ўқиб, у ҳам кўпга манзур бўлишини ҳис этамиз. Шунда домланинг ўзига ўта талабчанлиги, билимдонлиги, ҳар бир сўзини етти ўйлаб сўнг қорғозга туширишига яна бир бор тан берамиз. Газетамизнинг бундай жонқуярлари кўплиги бизни қувонтиради. Улар вилоятимиз ҳаётини кенг қақровли ёриштида гақрат билан қақлам тебратиб, бизга яқиндан ёрдам беришапти. «Янгийўлда бу одамни танимайдиганлар ҳам топилади, деб ёзади» «Спортга бақиланган ҳаёт» сарлаваҳали мақолисида журналист Қ. Жумақулов. Айниқса, спортга қизиқувчанлар орасида унинг обрў-эътибори баланд. Ҳамид ақ Умаров ҳаётини жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга бақиллади. Унинг хизматлари туфайли шаҳарда юзлаб малакали спортчилар етишти чикиди». Беқободлик Ҳ. Отақулов «От ўринини боқган той» лавақасида эса, эл хизматидидаги Эгамберди Дўстбеков ва унинг ўғиллари ҳақмида хикоя қилган. Ер юзида тириклик вужда келибдики, инсонлар турфа феъл, турли тақдир билан дунёга келади. Кунлар ҳам бир хил ўтмайди: гоқо ташвишли, гоқо қувончли. «Бирни кўриб шуқр қил, боқинча кўриб зикр», деганларидек қимдандир ибрат, илқинчи одамдан ўзимизни четга оламиз. Шу тариқа ҳаёт давом этаверади.

Одоб-ахлоқ мавзусида ёзадиган покентлик Л. Одилова «Оқибат», «Нодира терган аччиқ мевалар» сарлаваҳали мақоаларида шу ҳақда хикоя қилади. Одамларни тинч, халол яшашга дават этади. «Нодира терган аччиқ мевалар»да шундай гаплар бор: «Нодиранинг қаровсиз қолган ўғилларининг қаттаси қўшни уйдан нарсас олиб чиқиб, соқтиб, пулини саёқ қиларга сарфлайдиган одат чиқарди. Бир кун унинг қилмиши фош бўлди. Суд ҳуқми билан унга 6 йил қамоқ жаоси тайинланди...»

Бу дунё синовли дунё дейдилар. Келиш бор экан, кетиш ҳам бор. Инсон шундай яшасинки, ундан фақат яши ном қолсин. С. Иномов «Ёниқ бир шўъла» ёдномасини покентлик истеъдодли олима, тарих фанлари доктори Назирахон Валихонова хотирасига бақиллаган. «Назирахоннинг умри беҳуда ўтмади, — дея ёзади муаллиф, — илфан соқасида келгуси авлодларга арзигулик мерос қолдирди». Бизни хурсанд этадиган яна бир жиҳати шундаки, муштарийларимиз лавақа, кроссворд, уюштирилаётган турли тақдирлар, маънавият мавзусидаги мақоалалардан ташқари халқ ҳўжалигининг турли соқаларида рўй бераётган янгиликлардан ақборотлар ҳам йўллашган. Шу ўринда Зангиота тумани Уртаовул қўрғонидан Н. Қосимов, Янгийўл шақридан А. Юсупов, Оқангарондан Урозгул Ҳасан кизи, оқўрғонлик П. Эргашев қаби фалол қақламқашларнинг газетамиздаги қизиқилиши эътироф этиш жоиз.

Бир шоир айтган экан: шўър — бу дард, шўър — бу қувонч, шўър — бу ҳаётга бефарқ қарамақчилиқнинг белгиси деб. Дарҳақиқат, шундай. Инсон вужуди ёниб яшамаса, қақбиди дард бўлмаса, **Равашон БОБОМУҲАМЕДОВ.**

Ёзги таътил — 2002

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

Ёз келди дегунча, «зерикиб» ётган чўмилиш қақвалари, соқ-салқин бор-роқлар ва айниқса, оромгоқлар болалар билан яна гақажумлашади, улар шодон қийқириқлар ва ўйин-қулғига тулади.

Фарзандларимизнинг ана шундай дам олишлари учун вилоятдаги оромгоқларда шароит етарлими?

— Мавсумга тайёргарликни ўтган йилнинг сентябрь ойидан бошлаганмиз, — дейди



қақсаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Муҳайё Тулағанова. — Маълумки, 2001 йилда айрим оромгоқлар ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган эди. Чўнони, шароитлар яратилмагани туфайли «Саломатлик-Р» ҳиссадорлик жамятига қарашли «Лола» ва «Дўстлик» оромгоқларининг фаолияти комиссия томонидан тўхтатилган эди. Бу йил эса бундай муаммоларнинг барчаси бартараф этилди.

Вилоят бўйича шаҳардан ташқари 18 та ҳақмида мактаблар қақшида 24 та оромгоқ 10 июндан биринчи навбатда дам олишни боқаришни қақбул қила бошлади.

Шаҳардан ташқари оромгоқлар асосан Бўстонлик, Оқангарон, Паркент туманларида ташқил этилган бўлиб, уларда Тошкент шақри ва вилояти ҳақмида Ҳоразм вилоятининг 19 минга яқин болалар уч навбатда дам олади-лар. Уларнинг соқлиқларини тиклаш, хақвоқилларини таъминлаш ва бошқа мадан-ий-маърифий ишларни олиб бориш учун барча шарт-шароитлар тақт.

Оромгоқларга йўлланма беришдаги имтиёзлардан ҳам ота-оналар миннатдор бўлишапти. Йўлланма нарқининг беш фоизигина улар ҳиссасига тўғри келмоқда. Қолгани қорқона, ташқилот ва қақсаба ташқилотлари томонидан қопланмоқда. Эндики вақифа болаларимизни кўнгидагидек дам олдириб, ота-оналари бақрига эсон-омон кузатишди.

Равашон ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муқбири.

Милиция ва ислоқот



ТАЯНЧ МАСКАНЛАРИ

Буқада бу кунни узоқ вақт унутимайди. Шу кунни қишлоқларда тинч ва ҳотиржам яшаб, меҳнат қилиш, жиноятчиликнинг пайини қирқиш учун ниҳоятда катта иш қилинди.

Вилоят ички ишлар бош боқармаси ва туман ҳоқимлиги саёй-ҳарақати билан бир йўла уч қишлоқ — Турғун Ражабов номли, Ойхўжа Йўлдошев номли, Йўлдош Ҳожиметов номли ширкат ҳўжалиқларида янги бинолар қурилиб, «Тинчлик» милиция таянч пунктлари очилди.

Дарҳақиқат, ҳар бир таянч пункти қақшида мақалла фуқаролар йиғини ва посбонлар учун алоқидида хоналар бор. Хусусан, Турғун Ражабов номли ширкат ҳўжалиқидида таянч пункти кутубхона, қариялар чойхонаси, болалар спорт май-

этиш учун катта имкониёт яратди. Энг муқими бу масканлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг халқ билан ҳамкорлиқдаги ҳарақатининг ҳақиқий таянчига айланади.

Таянч пунктларини очиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Турсунқон Худойбергенов ва вило-



ят ҳоқими Умнат Мирзақулов иштирок этишди.

СУРАТЛАРДА: милиция таянч пунктларининг қурилиши; профлақтика инспектори, милиция лейтенанти Уктам Иброқимов оқсоқоллар билан суқбатлашмоқда.

Суратларни Ерқибой БОТИРОВ олди.

Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи ва газдан фойдаланувчи аҳоли диққатига

2002 йилнинг 1 апрелидан аҳоли учун табиий газдан фойдаланишнинг янги тарифлари ва меъёрлари белгиланди:

— газ плиталари ёки таомлар тайёрлаш учун бошқа газ асбоблари ўрнатилган хонадонларда (доимий марказий иссиқ сув таъминоти бор бўлса) ҳар бир истиқомат қилувчидан ҳар ойда 11 куб метр ҳисобидан 58 сўм 50 тийин,

— фақат газ плиталари ёки таомлар тайёрлаш учун бошқа газ асбоблари ўрнатилган хонадонларда (доимий марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаса) ҳар бир истиқомат қилувчидан ойига 15,0 м. куб ҳисобидан 79 сўм 80 тийин;

— иссиқ сув таъминоти учун газ билан ишлайдиган сув иситтичлари бўлган уйларда, хонадонларда (марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаса ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлса) ҳар бир истиқомат қилувчидан ҳар ойда 16 метр куб ҳисобидан 85 сўм 10 тийин ҳақ олинади.

Уйларни, хонадонларни яқка тартибда иситишда газдан фойдаланганлик учун, иситиш газ асбобининг туридан қатъий назар, тақвимий йил давомида бир маромда ишлатилганда иситиш мавсуми беш ой ҳисобидан иситиладиган бинонинг ҳар бир куб метри учун 2,4 куб газ меъёрида ҳақ тўлаш 5 сўм 90 тийини ташқил этади.

Чорва учун озуқа тайёрлашда дағал ем-хашақ ва илдизли меваларни буллатишни ҳисобга олиб, ичиш ва санитария мақсадларида сув иситиш учун тўланадиган ҳақ:

- Бир бош от учун — 29 сўм 80 тийин
- Бир бош сиғир учун — 126 сўм 10 тийин
- Бир бош чўчка учун — 66 сўм 50 тийин
- Бир бош қўй (эчки) учун — 11 сўм 70 тийин.

Алоқидида сув иситтичлар ва қозонлардан иссиқхоналар ва гулхоналарни иситиш учун, яқка тартибда меҳнат фаолияти вақтида фойдаланиладиган тандирлар, овқат пишириш қозонлари учун табиий газдан фойдаланганлик ҳақи улгурчи истеъмолчилар учун белгиланган тарифлар бўйича ундириб олинади. Газ ҳисоблагичлари бўлмаган ҳолларда газ сарфиёти газ горелка қурилмаларининг туну кун ишлаш тартибидида энг кўп қуввати бўйича ҳақмида иситиш даври шартномасида қайд этилган тартибда белгиланади.

Ҳурматли фуқаролар!

Газдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлашингизни, ўз яшаш жойингиз бўйича истиладиغان майдонлар, истиқомат қилувчилар сони, чорва тўғрисидаги ўзгартириш ҳақмида маълумотларни шаҳар-туман газ идораларига маълум қилишингизни сўраймиз.

Табиий газдан тежаб фойдаланиш мақсадларида газ ҳисоблагичларини харид қилиш ва ўрнатишни тезлаштиришни тавсия этамиз.

«Тошвилоятгазтаъминот» шўъба қорқонхонаси сизнинг табиий газни тежаб-теғаб фойдаланишингизга умид қилади.

Энг яхши тарбиячи танлови

Тошкентда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Республика Хотин-қизлар кўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган "Ил тарбиячиси - 2002" кўрик-танлов фестивалининг республика босқичи бошланди.

бориб, тарбиячиларнинг касбий билим ва кўникмасини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган.

Тадбир беш кун давом этади.

Хулқар СОДИҚОВА, ЎЗА мухбири.

Тадбир мамлакатимиз миллий дастури, "Она ва да "Таълим тўрисида"ги бола" давлат дастурларини Қонун, Кадрлар тайёрлаш ҳаётга татбиқ эта

Ибратнома

Оқибатсиз фарзандлар

Бир вилоятда ўзига тўқ чол-кампири бўлган экан. Уларнинг уч ўғли бўлиб, ҳаммаларининг топиш-тутиши жойида, ўзларидан тинчиган эканлар.

Кунларнинг бирида чол касалга чалиниб, ётиб қолибди. У: «Мабода қазо қилсам болаларим, мерос таллашиб, бири-бири билан жанжаллашиб юришмасин», деб ўйлабди ва кампир билан маслаҳатлашиб, бор бисотини уч ўғлига тенг тақсимлаб берибди-да, оналарига яхши қарашини тайинлабди. Ҳар хил дорилар туфайлими, ё бошқа сабабданми, чол аста-секин тузалиб, тез орада дарддан фориғ бўлибди. Бироқ, ўзига тегишли меросни қўлга киритган фарзандлари ўз тирикчилиги билан ўраллашиб, ота-онасининг ҳолидан хабар олмай қўйишибди.

Чол-кампири болаларининг бемехрлиги туфайли бировларнинг марҳаматига муҳтож бўлиб қолишибди. Яхши ўйламай қилган ишларидан афсус-надомат чекишибди. Бундай ноқарор аҳволдан қутилиш учун тадбиркор ота бир хийла ўйлаб топилди. Эчкининг тошини ўйиб, ичига хат жойлабдида, уни қўтига солиб, оғзига қулф урибди. Шу кундан эътиборан қаерга борса ҳам, қўтинини қўтиқлаб юрадиган бўлибди.

Одамлар ажабланиб: «Отақон нега қўти қўтариб юрибсиз?» деб сўрашар экан.

«Бу дунёдаги, у дунёдаги роҳат-фароғатим мана шу қўтида, — дер экан чол. — Шунинг учун уни сира қўлимдан қўймаман».

Бу гап овоза бўлиб чолнинг фарзандларига ҳам етибди. Улар қўтидаги бойлиқни қўлга киритиш учун бир-бирларидан яширинча ота-онасига совға-салом тайёрлашибди. Аввал тўнғич ўғил кийим-кечак, бал тайла озиқ-овқат қўтариб келибди.

«Яхши ўтирибсизларми? Ишларим қўлайиб, сизлардан вақтида хабар ололмадим. Энди ўзим тез-тез хабар олиб тураман, — дебди тўнғич ўғил гуноҳорона мингирлаб».

«Худога шукр, туپроқдан ташқари юрибмиз, — дебди отаси. — Бизни йўқлаб келганинг учун раҳмат, барака топ, болам. Бундан кейин тез-тез келиб тур».

Ахир биз ҳам ганиматмиз. Тўнғич ўғилдан кейин, эртасига ўртанчаси, учинчи кунни савдогарчилик билан бойиб кетган кенжаси келибди. Ота уларга ҳам тўнғичига айтган гапини такрорлабди. Шундан кейин уччала ўғил қўтидаги бойлик илчидида ота-онасини ҳар кун йўқлаб келадиган бўлишибди.

«Бизга шунчалик меҳр-оқибат кўрса-таётганингиз учун раҳмат, болаларим. Тегиримон наватби билан деганларидек, биз галма-гал ҳаммангизниқига ўтамиз, — дебди отаси. Бу гап уччала ўғилга маъқул келибди».

Чол-кампири наватби билан беш-ўн кундан ҳар бир ўғилниқидида меҳмонда бўлишибди. Ўғиллари ота-онасини бениҳоя иззат-икром қилишиб, бўлакча сийлашибди ва ҳар қайсиси пировардида қўтида нима борлигини тилғламалик билан сўрашибди. Отаси эса, мийиғида қўлиб, уларга бир хилда жавоб берибди:

«Э, ўғлим, нима бўларди, қариган чоғимда кунимга ярайдиган бойлик бор. Сизлар қариганда менинг ахволимга тушманглар, деб гаплаб қўйганман, — дебди».

Тез орада чол ётиб қолибди, бу сафар тузалиб кетишига кўзи етмай, ўғилларини чақиртирибди.

«Болаларим, бу дунё билан хайрлашадиган пайтим келди. Мендан кейин оналарингни авайланглар. Қўтидаги бойлиқни таллашмай, тенг бўлиб олинглар, — дея оламдан ўтибди».

Уч ўғил отасининг маъракаларини даб-дабали қўлиб ўтказишибди. Шундан кейин қўтидаги бойлиқни бўлиш учун қозининг олдига боришибди. Қози қўтинини очиб эчки шохини олибди. Ақа-уқаларнинг ҳафсаласи пир бўлибди.

Шошманглар, балки бойлик мугузунинг ичидадир, — дебди қози ва найча қўлиб ўралган хатни олибди. Унда: «Оқибатсиз, фақат мол-дунёни ўйлайдиган фарзандлар ота-онасини хор қилди», деб ёзилган экан.

Иза бўлган ақа-уқалар отасига қилган оқибатсизликларидан афсусланибдилар, бундан буён оналарини иззат-икром қилиб, дуосини олибдилар.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

САФАРДАГИ ҒАЛАБА

МАМЛАКАТ ўн биринчи чемпионатида иштирок этаётган олий табақа жамоалари ўн иккинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Дарвозаларга 28 та тўп киритилди.

«МЕТАЛЛУРГ» Тошкентда «Трактор» билан баҳс юритди. Майдон эгаларининг уч тўпига металлурчилар икки тўп билан жавоб қайтардилар.

«Дўстлик» жамоаси эса, Навоийда «Зарафшон»га қарши баҳс юритди. Ҳаттич тенг курашлар остида ўтди. Танафусгача дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди. Танафусдан сўнг эса, бош ҳакам томонидан «Зарафшон» дарвозаси томон белгиланган 11 метрлик жарима тўпини Мухтор Курбанов дарвозага йўллаб, ҳисобни очди. 0:1 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади.

Турнинг марказий учрашуви Самарқандда ва Тошкентда бўлиб ўтди. Самарқандлик футболчилар бу йилги чемпионатда муваффақиятли иштирок этаётган «Қизилқум»ни қабул қилиб, ўйинни 0:2 ҳисобида бой



«Навбахор» учрашувида дарвозаларга 6 та тўп киритилди. Майдон эгаларининг беш тўпига навбахорчилар бир тўп билан жавоб қайтардилар.


Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» — «Нефтчи» 2:3, «Сўғдиёна» — «Сурхон» 1:0, «Кўкон-1912» — «Насаф» — 3:0, «Машъал» — «Анджон» — 3:2.

Чемпионатнинг наватдаги 13-тур учрашувлари 15 июнда ўтказилди. «Металлург» ўз майдонинда «Самарқанд-Д» жамоасини, «Дўстлик» эса, «Кўкон-1912» жамоасини, қабул қилди.

Талъат ЮСУПОВ.

ҒАЙРАТ — ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

Зангиота тумани, Хонобод қишлоғидаги «Жокей» хусусий от спорт клубида 6-9 июнь кунлари от спорт бўйича жаҳон кубогининг учинчи босқичи бўлиб ўтди.



Унда мамлакатимиз, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг номдор спортчилари жаҳон кубогининг финал босқичида қатнашиш ҳуқу-

қини берадиган ягона йўланма учун баҳслашибди. Беллашувада ҳамюртимиз Ғайрат Назаров тўсиқлар оша от сакратиш бўйича

«Гран-при»га эга бўлди ва ягона йўланмани қўлга киритди. Энди у жаҳон кубоги беллашувларида Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилади. Умумжамоа ҳисобида эса биринчи ўринни Қозоғистон, иккинчи ўринни Ўзбекистон ва учинчи ўринни Қирғизистон чавандозлари эгаллади.

Ўз мухбири. СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар. Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

ШОҲСУПАДА ФАҚАТ МЕҲМОНЛАР

Республика мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши ҳамда Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Чирчиқ шаҳар автотехника мактабидида республика кубоги учун триатлон спорт мусобақаларининг якуловчи босқичи бўлиб ўтди.

Шу кунги триатлон иштирокчилари уч тур — 1500 метрга сузиш, вело-

бўйича мусобақалашдилар. Республика кубоги учун биринчи марта ўтказилган бу тадбирда Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Қозоғистон Республикасининг

Қарағанда шаҳридан келган жамоалар иштирок этди. Тадбир якунларига қўра, Тошкент шаҳри биринчи, Самарқанд ва Андижон вилоятлари жамоалари эса, иккинчи ва учинчи ўринлар соҳиби бўлишди. Фолибларга республика

лика мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши дипломлари ҳамда мусобақа ҳомийларининг эсдалик совғалари топширилди.

Шавкат ҚУЛИБОВЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

АУТСАЙДЕР — КАРВОНБОШИ

Футбол бўйича вилоят чемпионати қатнашчилари наватдаги тўртинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Дарвозаларга 16 та тўп киритилди. Тўрт учрашувада мезбонлар, икки учрашувда меҳмонлар ғалаба қозондилар.

Ушбу турда фақат битта учрашувада йирик ҳисоб қайд этилди. «Тошкент» жамоаси ўз майдонинда пешқадамлар сафида бораётган «Кибрай» футболчиларини 4:1 ҳисобида мағлуб этди. Сафарда уйнаганларига қарамай, «Металлург» «Танкичи»

«Ўзбекистон» эса, «Цементчи»ни бир хил ҳисобда (2:1) енгди. Яна бир учрашувада шундай ҳисоб қайд этилди. «Зафар» футболчилари «Бўстон» жамоасидан голиб келиб, уч очкони қўлга киритдилар.

Кейинги икки турда кетма-кет ғалабага эришган «Бўқалик» жамоаси бу сафар «Акмал»нинг меҳмони бўлиб, мавсумда биринчи марта мағлубият аламини таътиб қўрди. «Оҳангарон»ликлар ҳам «Шоликор» жамоасини қабул қилиб, ягона тўп ҳисобига уч очко эгаси бўлишди. Шундай қилиб, чемпионатнинг тўртта тури ортда қолди. Жамоаларнинг жадвалда эгаллаган ўринларига қараб, дастлабки ҳулосаларни чиқариш ва уларнинг имкониятларига тахминий баҳо бериш пайти келди. Аввало, бу йил пешқадам ўзгарганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шуниси диққатга сазоворки, аввалги йиллар-

да жадвалнинг сўнги поғонасини ҳеч кимга бермай келган пекентликлар («Ўзбекистон») бу йил ўйинда тўб бурилиш ясаб, бирорта ҳам очко йўқотмай, чемпионатда яққа карвонбошлик қилмоқдалар. Шунингдек, бу йил биринчи марта сафга қўшилган «Бўқалик» жамоасининг битта ҳам ўйин ўтказганига қарамай, кучли бешликдан ўрин олиб турганини муносиб баҳолаш лозим.

Энди аутсайдерларга келсак, уларнинг учаласи — «Танкичи» (Чирчиқ), «Бўстон» (Ғазалкент) ва «Зафар» (Бекобод тумани) чемпионатда биринчи марта иштирок этмоқда. Аммо, бу уларни оқлайдиган сабаб бўлолмайди, албатта. Зеро, «Бўқалик» жамоаси ҳам бу йил сафга қўшилиб, кучли бешлик қаторида бормоқда. Демак, чемпионатда қатнашаётган ҳар бир жамоанинг ютуғи ҳам, мағлубияти ҳам фақат ўзининг имкониятига боғлиқдир.

Самат ЙЎЛДОШ.

Вилоят чемпионати иштирокчиларининг тўрт турдан сўнг жадвалда эгаллаган ўринлари	Ў	Ю	Д	М	Т	О
«Ўзбекистон»	4	4	0	0	13-1	12
«Акмал»	4	3	0	1	7-2	9
«Кибрай»	4	3	0	1	5-5	9
«Тошкент»	3	2	1	0	11-3	7
«Бўқалик»	3	2	0	1	5-4	6
«Цементчи»	4	2	0	2	6-6	6
«Металлург»	4	2	0	2	4-5	6
«Шоликор»	4	1	1	2	4-4	4
«Оҳангарон»	4	1	1	2	2-7	4
«Зафар»	4	1	0	3	3-13	3
«Бўстон»	4	0	1	3	4-11	1
«Танкичи»	4	0	0	4	1-6	0



«АСР ЖАНГИ» ДАВОМ ЭТАДИМИ?

8 июнь кунги АҚШнинг Лас Вегас шаҳрида, бокс мутахассислари томонидан «аср жанги» деб эътироф этилаётган, Майк Тайсон ва Леннокс Льюис оlishуви бўлиб ўтди.



Шу йилнинг апрель ойида ўтказилган режалаштирилган бу учрашув икки боксчи орасидаги жанжаллар туфайли қолдирилган эди. Маълумки, жаҳоннинг мутлақ чемпионлигини Эвандер Холифилдга бой берган «Темир Майк» энди бу унвонни айнан ундан эмас, балки, дунёда «Қирол шер» номи билан машҳур, жаҳон чемпионлигини ўзида сақлаб турган англиялик чарм қўлқоп устаси Леннокс Льюисдан тортиб олиши керак эди. Бироқ, собиқ унвонни қайта унга насиб этмади. Ҳозирги чемпион Тайсондан кучли эканлигини исботлаб, саккизинчи раундда уни нокаут ҳолатига туширдию, учрашувни ҳаққоний равишда ўз фойдасига ҳал этди.

СКАНВОРД

Жисмоний машғулот	Ўзбекистон вилоятлари	«Редис» қўшма ширкати	Ой номлари	Машина деталлари	Имкон
Совет механизмнинг қисми	Ибн Халфон тарихчи	«Редис» қўшма ширкати	Ўтган чўшма ширкати	Имкон	Имкон
Журнал	Австрия тузувчилари	Имкон	Имкон	Имкон	Имкон
Иш билан машғул	Рус шоири Сергей...	Имкон	Имкон	Имкон	Имкон
Иш билан машғул	Кўтара қабзо	Имкон	Имкон	Имкон	Имкон
Иш билан машғул	Тайёр-гаршик Май, шароб	Имкон	Имкон	Имкон	Имкон
Иш билан машғул	Шаранлик	Имкон	Имкон	Имкон	Имкон
Иш билан машғул	Россия айтилиши	Имкон	Имкон	Имкон	Имкон
Иш билан машғул	Кўйлак қисми	Имкон	Имкон	Имкон	Имкон
Иш билан машғул	Чўшок, оқсоқ	Имкон	Имкон	Имкон	Имкон

Тузувчи Ақромжон ХўЖАМОВ.

ЗИДАН ҲАМ ЁРДАМ БЕРА ОЛМАДИ

ЖАҲОН чемпионатининг барча гуруҳларида кеча учинчи тур учрашувлари бошланди. «А» гуруҳида иштирок этаётган жаҳон чемпионлари (энди собиқ деса ҳам бўлади) францияликлар бу турда Дания терма жамоасига 0:2 ҳисобида ўйини бой бериб чемпионатни тарк этишди.

Бу гуруҳдан Дания ва Сенегал терма жамоалари наватдаги босқичга чиқибди. «В» гуруҳида Испания футболчилари паравайликларни 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, 6 очко билан гуруҳдошлардан ўзиб кетишди. ЖАР футболчилари Словения жамоасини 2:1 ҳисобида ютиб, тўрт очко билан иккинчи ўринга чиқиб олдилар.

«С» гуруҳида ҳам ягона пешқадам аниқ бўлди. Бразилияликлар хитойликлар дарвозасига 4 та жавобсиз тўп йўллаб, йирик ҳисобда ғалаба қозондилар. Коста-Рика — Туркия учрашувида 1:1 натижа қайд этиб, Коста-Рика тўрт очко билан иккинчи ўринга кўтарилди. «Д» гуруҳида корейлик футболчилар АҚШ билан 1:1 уйнадилар. ЖАР футболчилари Германия — Ирландия учрашуви 1:1 ҳисобида якунланди. Камерунликлар Саудия Арабистони футболчиларини мағлуб этиб, тўрт очко жамғардилар ва Германия билан гуруҳда пешқадамлик қилмоқдалар. «F» гуруҳида

Англия — Аргентина учрашуви 1:0 ҳисобида ҳал бўлди. Швеция эса Нигерияни 2:1 ҳисобида енгди, тўрт очко тўплади ва Англия билан бир-

га гуруҳда етакчи бўлиб турибди. «G» гуруҳида Мексика футболчилари икки учрашувда ҳам ғалаба қозониб, олданда боринмоқда. Италияликлар Хорватияга 1:2 ҳисобида ўйини бой бериб қўйдилар.



«Н» гуруҳида Япония — Россия учрашуви кўп сонли мухлислар диққатини ўзига қаратди. Осиёликлар 1:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Тунис — Бельгия учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Португалия — Польша учрашуви 4:0 ҳисобида якунланди.

ДА «Ўзғайиб» жамғармабан- раҳбарияти ва жамоаси бановинг Антон Филиппи бошқарувида Рано Махдумовичи Шокировага волида мухлисларни

Жаҳон чемпионати мусобақати билан чуқур талқин изҳор этади.

Тошкент вилояти «Пилла» ақшадорлик бирлашмаси жамоаси менафат фойдаси Жўрғали Аббасова раҳбариси ВАСИЛГА менафат ақшадорлик мусобақати билан чуқур талқин изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
ТАШКЕНТ ШАҲРИДА

Муассис:
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48, 136-56-29

Манзилими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрлиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.